



ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРГИЗИСТОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев 24 декабрь кuni амалий таширф билан Самарқандга келди.

Ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан яқин қўшни сифатида тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаб келган. Халқларимиз тарихи, маданияти ва диний қадриятлари муштарак, аёнана ва урф-одатлари ўхшаш.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги аёнанавий ҳамкорлик янги мазмун касб этди. Кейинги пайтларда ўзаро алоқалар сезиларли равишда фаоллашди. Давлат раҳбарларининг телефон орқали мулоқотлари, ҳукуматлар ва ҳудудлар даражасида делегациялар таширифи амалга оширилди. Мамлакатларимиз жамоатчилиги Андижон ва Ўш шаҳарлари делегацияларининг ўзаро таширини мамнуният билан қабул қилди.

Икки мамлакат вакиллари Ўзбекистонда ўтган сайловда ва Қирғизистондаги референдумда қўзғатувчи сифатида иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев Ҳазрати Хиёр мажмуида таширф буюриб, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Исрол Каримов қабрини зиёрат қилди ва унинг ёрқин хотирасига ҳурмат баҳо келтирдилар. Исрол Каримов руҳи покирга Қуръон тиловат қилинди.

Президентлар «JV MAN Auto-Uzbekistan» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасига таширф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмон қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва бу ерда яратилган шароитлар билан танишди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон жаҳонда автомобил ишлаб чиқаруви етакчи давлатлар қаторига қўшилди. Бугун Ўзбекистон автосаноати маҳсулотларига кўпгина мамлакатларда, жумладан, Қирғизистонда ҳам талаб юқори.

«JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонасининг ташкил этилиши мамлакатимизда автомобилсозликни ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди.

Бу ерда 15 тоннадан 50 тоннагача юк кўтариш қувватига эга замонавий юк машиналари, жумладан, автокранлар, изометрик фургонлар, сув ташиш машиналари, комбинацияланган йўл машиналари, канал тозалаш машиналари, бетон қоригич, пахта ва чиқинди ташиш машиналари ишлаб чиқарилмоқда.

► Давоми 2-бетда.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

2016 йил 23 декабрь кuni халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд азалдан дунёга машҳур экани, бугун бу қадимий замин халқимизнинг улуг фарзанди, мустақилликимиз асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби Исрол Каримов туғилиб ўсган ва мангу ором топган жойи сифатида ҳар биримиз учун янада қадрдон масканга айланишини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида Самарқанд ўзининг ривожланган саноати ва қишлоқ ҳўжалиги, табиий бойликлари, улкан сайёҳий салоҳияти билан мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим ўринга эга бўлди.

Вилоят иқтисодиёти 2010 йилдан буён 1,7 баробар ўсди, деди Президентимиз. Ялпи ҳудудий маҳсулотда саноатнинг улуши 2011 йилда 18 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йил якунида бу кўрсаткич қарийб 24 фоизга етиши кутилмоқда.

Бугунги кунда жаҳондаги энг юксак стандартлар асосида жиҳозланган Самарқанд автомобил заводида ўнлаб турдаги машиналар ишлаб чиқарилмоқда. Кейинги беш йилда вилоятда 100 дан ортиқ янги қўшма ва хорижий корхоналар ташкил этилиб, айни пайтда уларнинг сони 259 тага етди. Ушбу корхоналарда йилга 2,5 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда.

Самарқанд вилоятининг иқтисодий ривожининг экспорт салоҳиятида ҳам намоён бўлаётди. Жорий йилда ҳудудий экспорт миқдори 393 миллион долларга етди.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Мазкур соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 78 фоиздан ошгани ва меҳнат билан банд аҳолининг 84 фоиздан зиёди шу соҳада фаолият кўрсатаётгани эътиборга лойиқ.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги беш йилда 16 минг гектардан зиёд пахта майдонлари қисқартирилиб, мева-сабзавот ва полиз экинлари екилмоқда. Юртимизда мавжуд интенсив боғларнинг 7500 гектардан ортиғи ёки 43 фоизи Самарқанд вилоятида ташкил этилган, деди давлатимиз раҳбари.

Сессияда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш, истиқболли янги саноат объектлари барпо этиш, ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш борасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди. Енгил саноат соҳасида туманларда пахтани қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, мавжудларини

модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, шу орқали ҳудудлар экспорт салоҳиятини юксалтириш лозимлиги таъкидланди. Ургут туманининг ресурс базасидан самарали фойдаланиш, саноат ва экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш, инвестиция ва илғор технологияларни жалб этиш мақсадида «Ургут» эркин индустриал зонаси ташкил этилмоқда.

Президентимиз вилоятда туризмни янада ривожлантириш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва шу ҳужжат асосида ишлаб чиқилган дастурда Самарқанднинг бу борадаги салоҳияти ва туристик потенциални ошириш юзасидан кенг қўламли чора-тадбирлар белгиланган.

Вилоят қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни изчил давом эттириш бўйича муҳим вазифалар белгиланб берилди. 2017 йилда 4400 гектар пахта майдонини қисқартириш эвазига мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлашга мўлжалланган корхоналар ташкил этиш, лалми ерларга жаҳон бозориди талаб юқори бўлган экспорт-боп экинлар экиш, тоғолди ҳудудларда доривор ўсимликлар етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини

яхшилаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Давлатимиз раҳбари 2017 йилнинг мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган муносабат билан бу борада маҳаллий ҳокимлик ва бошқарув органлари олдида турган вазифаларга алоҳида эътибор қаратди. Раҳбарларнинг халқ ичига кириб, аҳоли билан самимий мулоқот қилиши, уларнинг дарду тавшишларини тинглаб, муаммоларга ечим топиши халқимизнинг давлатдан рози бўлиши ва турмуши фаровонлигига хизмат қилиши таъкидланди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тавсиясига биноан Самарқанд вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Ҳиммат Окбўтаев Самарқанд вилояти ҳокими этиб сайланди.

«Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газеталари бирлашган тахририяти бош муҳаррири Ф.Тошев, Каттақўрғон туманидаги «Пайшанба» шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Қ.Ахмедов, меҳнат факхрийси З.Зиёев ва бошқалар Президентимиз нутқида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган долзарб вазифаларни муваффақиятли адо этиш йўлида вилоят аҳли астойдил меҳнат қилади ва қўзланган марраларга албатта эришади, деб таъкидлади.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

Ҳ.Қ.ОКБЎТАЕВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Ҳиммат Қўчқорович Окбўтаев Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 24 декабрь

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

Қ.Б.ТУРСУНОВНИ НАВОЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Қобул Бекназарович Турсунов Навоий вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 25 декабрь

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОЙ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

2016 йил 25 декабрь кuni халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Навоий вилояти ҳақида гап кетганда, аввало, унинг меҳнаткаш халқи, ер ости ва ер усти бойликлари, улкан салоҳияти кўз олдимизда намоён бўлади, деди Президентимиз. Мамлакатимизнинг йирик саноат ҳудуди ҳисобланган ушбу вилоятда қончилик, металлургия, кимё, энергетика, қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноати изчил ривожланмоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойида ялпи ҳудудий маҳсулот қарийб 7 миллиард 440 миллион сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 5,9 фоизга ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4,2 фоиз, истеъмол товарлари 14,8 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги 6,7 фоиз, қурилиш ишлари 11,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 15 фоиз, жами кўрсаткичларни ҳисоблаганда 15,5 фоизга ўсиши таъминланди.

Вилоятда ҳудудий корхоналар томонидан жами 43 миллион

долларлик маҳсулот ва хизматлар экспортга амалга оширилди. Маҳаллийлаштириш дастури асосида 17 корхонада 57 лойиҳа бўйича тайёр маҳсулот ҳамда материаллар, бутловчи қисм ва деталлар ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, 9 ойда 47 миллиард 600 миллион сўмлик маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Ҳозирги кунда вилоятда 17 йирик саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот», «Қизилқумцемент», «Навоий ис-сиклик электр станцияси» акциядорлик жамиятлари ва «Электр-кимёзаводи» қўшма корхонаси шулар жумласидандир. «Навоий» эркин иқтисодий зонасида 18 корхона фаолияти самарали йўлга қўйилган бўлиб, улар томонидан 100 дан ортиқ турдаги рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Навоий вилоятининг меҳнаткаш халқи доимо илғорлар сафидан муносиб ўрин эгаллаб келган

деди Шавкат Мирзиёев. Буни кейинги йилларда вилоятда эришилаётган улкан ютуқ ва марралар мисолида ҳам кўриш мумкин. Вилоятнинг бундай улкан салоҳияти эътиборга олинган ҳолда, энг муҳими, аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, вилоятда мавжуд ресурс ва имкониятлардан янада самарали фойдаланиш борасида қилинадиган ишлар қўллиги алоҳида таъкидланди.

Сессияда бандлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда аҳоли, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш, замонавий иш ўринлари яратиш давлатимиз, бутун жамиятимизнинг диққат марказида туриши лозим.

Давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида аҳоли мурожаатлари билан ишлашда сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимга ўтиш зарурлиги таъкидланди. Бу борада биринчи навбатда раҳбарлар — бу вазирлик ва идоралар раҳбарлари бўладими, вилоят, шаҳар, туман ҳокими бўладими — барчаси ўз

зиммасига катта масъулият юклатилганини унутмаслиги лозим.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тавсиясига биноан Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси лавозимига ишлаб келаётган Қобул Турсунов Навоий вилояти ҳокими этиб сайланди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими раиси Нормурод Исоқов, Қонимех туманидаги «Қанимех тани» газетаси муҳбири Хонимгул Норбоева, «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси музейи директори Ольга Сашина ва бошқалар Президентимиз нутқида баён этилган фикрлардан зарур ҳулосалар чиқариб, қўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, вилоят аҳли олдида турган долзарб вазифаларни бажариш, ислохотлар самарадорлигини янада ошириш учун Навоий вилояти аҳолиси астойдил меҳнат қилади ва қўзланган марраларга албатта эришади, деб таъкидлади.

А.ЎРОЗОВ,
ЎЗА махсус мухбири.

ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 25 декабрь кuni Навоий вилоятидаги йирик саноат корхоналари фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам кенг қўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар ободонлашиб, замонавий корхоналар, кенг ва раван йўллар, таълим ва тиббиёт муассасалари, боғ ва хиёбонлар бунёд этилаётди.

Истиқлол йилларида Навоий вилояти мамлакатимизнинг саноати ривожланган ҳудудларидан бирига айланди. Маҳсулот ва хизматлар экспортга ҳажми ошмоқда. Саноат корхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш ишлари тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Президентимиз дастлаб «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасига таширф буюрди. Комбинатда сўнгги йилларда амалга оширилган кенг қўламли ишлар, иқтисодий кўрсаткичлар ва истиқболдаги режалар билан танишди.

«Навоий кон-металлургия» комбинати мамлакатимиздаги энг йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Корхонада 2017-2021 йилларда 16 янги йирик лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳаларни ўз вақтида ва юқори сифат даражасида амалга ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Навоийазот» акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган янги йирик лойиҳалар билан танишди. Биринчи лойиҳа қаустика сода ва метанол ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиб, йилга 260 миллион долларлик маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилади. 900 дан зиёд янги иш жойи ташкил этилиши кўзда тутилган мазкур лойиҳа тўла маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлайди.

Иккинчи лойиҳа доирасида аммиак карбамид ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Йилга 173 миллион долларлик маҳсулот тайёрлаш имконини берадиган мазкур корхонада 500 га яқин иш ўрни ташкил этилади.

Азот кислотаси ишлаб чиқаришга ихтисослашган учинчи лойиҳа энергия тежамкорлиги билан ажралиб туради. Бу ерда тайёрланган маҳсулотлар ички бозорга етказиб берилиши билан бирга экспортга ҳам жўнатилади. Корхона ишга тушиши билан азот ўғитларининг нархи сезиларли даражада пасайиши кутилмоқда.

► Давоми 2-бетда.

«ПРЕЗИДЕНТ СОВГАЛАРИ» БОЛАЖОНЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШАДИ

Янги йил арафасида жойларга етказиладиган ўқув анжомлари, турли ширинликлардан иборат «Президент совгалари» кичкинтойлар учун унутилмас тўхфадир.

Бу йил ҳам Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси томонидан ушбу байрамни юксак савияда ўтказиш учун қизгин ҳозирлик қўрилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари ўғил-қизлари, «SOS — болалар маҳаллари» тарбияланувчилари, ота-она қарамогидан маҳрум болалар учун Президентимизнинг Янги йил совгалари етказилмоқда.

Фарзандларимиз бахту қамол йўлида кўрсатилаётган улкан ғамхўрликлар уларни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб улғайтириш, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётди. Айниқса, жисмоний имконияти чекланган болалар, ота-она қарамогидан маҳрум болалар давлатимизнинг доимий ғамхўрлиги ва эътиборидадир.

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, маданият ва санъат саройларида Янги

йил байрами тадбирларида қизгин тайёргарлик қўрилмоқда.

— Ҳар йили Янги йил арафасида «Президент арчаси» шодиёналари тинч-осойишта кунларини, осмонимиз мусаффолигига, истиқлол неъматларига шукроналик туйғулари билан уйғун бўлади, — дейди Халқ таълими вазирлигининг ахборот хизмати раҳбари Баҳриддин Шайвалиев. — Болалар учун беғубор орзу-умидлар байрамига айланган ушбу тантаналар давомида Президентимиз совгалари кичкинтойларнинг қувончига қувонч қўшади. Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан тақдим этиладиган 12 номдаги ўқув қуроллари ва 15 номдаги ширинликлардан иборат

бўлган совгалар тайёрланди. Президент совгалари Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида автотранспортда, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг самолётлари орқали жорий йилнинг 25-28 декабрь кунлари ҳадвал асосида етказиб берилмақда.

Совгалар 29 декабрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда ташкил этиладиган «Президент арчаси» тадбирларида кичкинтойларга тантанали равишда топширилади.

А.КИЁСОВА,
ЎЗА мухбири.



ЯҚИН ҚЎШНИЧИЛИК, ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

Давлатимиз раҳбари мазкур янги лойиҳаларни тез ва сифатли амалга ошириш иқтисодиётимиз ривожига муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Президентимиз «Навоий» эркин иқтисодий зонасида бўлиб, бу ердаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Бугунги кунда «Навоий» эркин иқтисодий зонасида 18 корхона самарали фаолият юритмоқда. Ушбу корхоналарда 100 дан ортиқ турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 2008 йилда ташкил этилган мазкур эркин иқтисодий зонада бугунги кунда Хитой, Сингапур, Жанубий Корея, Хиндистон, Италия, Бирлашган Араб Амирликлари, Буюк Британия каби давлатлар билан ҳамкорликда автомобиль саноати учун зарур эҳтиёт қисмлар, энергетика тизимида фойдаланиладиган кабель, рақамли телемоллар, машиини электрон техникалар ва бошқа харидоригр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

2015 йилда мазкур иқтисодий зонадаги корхоналар томонидан 184 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Президентимиз иқтисодий зона фаолиятини янада такомиллаштириш, хорижлик янги ҳамкорларни жалб этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш лозимлигини, истиқболдаги вазифалар гоят салмоқли эканини алоҳида таъкидлади. Иқтисодий зонада яратилган улкан имкониятлар, имтиёзлар, шарт-шароитлардан тўла, самарали фойдаланиш зарурлиги, бу иқтисодиётимиз учун муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари «Навоий» эркин иқтисодий зонасида 2017 йилда ишга туширилиш режалаштирилган 15 лойиҳа билан танишар экан, уларнинг замонавий технологияларни ўзлаштириш, иқтисодиётимизни диверсификация қилиш, импортни қисқартириш ва экспорт ҳажмини оширишдаги аҳамияти катта эканлигини алоҳида таъкидлади. Мазкур иқтисодий зона фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар берди.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

А.ЎРОЗОВ,
ЎЗА махсус мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРГИЗИСТОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Завод ҳудудида ташкил қилинган тайёрлов ва малака ошириш марказида юк автомобилларидаги техник хизмат кўрсатадиган механик ва чилангарлар ўқитилмоқда. Корхонада хавфсиз ва самарали бошқариш бўйича махсус «MAN ProfiDrive» дастури асосида оғир юк кўтарадиган машиналар ҳайдовчилари тайёрланмоқда. Ҳайдовчиларни ушбу тизим асосида ўқитиш ёқилганинг 20-30 фоизини тежаш, ҳаракатлантирувчи қисмлар ва трансмиссия элементларининг хизмат муддатини узайтириш, автомобилни хавфсиз бошқариш имконини беради.

Қирғизистон Республикаси Президенти замонавий стандартларга мувофиқ энг сўнгги технологиялар билан жиҳозланган ва мамлакатимиз автомобил саноатининг муваффақиятини намоян этадиган ушбу корхона фаолиятини юқори баҳолади.

Олий мартабали меҳмон завод ҳудудида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий энгил автомобиллар, юк машиналари, трактор ва бошқа кишлоқ хўжалиги техникалари билан танишди.

Форумлар мажмуаси саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев ўртасида музокара бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев Алмазбек Атамбоевга Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ҳафоти муносабати билан чукўр таъзия билдиргани учун миннатдорлик изҳор этди. Ислон Каримовнинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтиргани Ўзбекистон халқига бўлган юксак ҳурмат ифода-сидир.

Алмазбек Атамбоевнинг ташрифи Қирғизистон Ўзбекистон билан муносабатларни кенгайтиришга муҳим аҳамият бераётганидан «далолат» экани қайд этилди.

Қирғизистон Президенти Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловда ишончли ғалаба қозонгани билан яна бир бор табриклади.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

■ Савдо-иқтисодий ҳамкорлик давлатлараро муносабатларнинг муҳим соҳаси ҳисобланади.

Президентлар сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш ва иқтисодий муносабатларни кенгайтириш масалаларини муҳокама этиб, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик қатор муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Шунингдек, томонлар минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорлик масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масаласини муҳокама этиш чоғида ушбу жафокаш заминда тинчлик ва осойишталикка эришиш бутун минтақамизда хавфсизлигини таъминлаш, истиқболли транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш, иқтисодиётни янада тараққий эттириш учун муҳим омил ҳисобланган таъкидланди.

Давлат раҳбарлари яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва уни сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитиш зарурлигини таъкидладилар.

Томонлар Ўзбекистон ва Қирғизистон ташқи сиёсат маҳкамлари ўртасида 2016-2017 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури янги шаклдаги сиёсий мулоқотни йўлга қўйишга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик давлатлараро муносабатларнинг муҳим соҳаси ҳисобланади.

Ушбу масалалар муҳокамасида 2016 йилнинг ўтган даврида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 23 фойз ўсганига қарама-дан, бу кўрсаткич етарли даражада эмаслиги ва икки мамлакатнинг мавжуд имкониятларига мос келмаслиги қайд этилди.

Президентлар икки йил давомида товарлар турини тубдан кенгайтириш ва ўзаро савдо ҳажмини 500 миллион долларгача кўпайтириш чораларини қўриш зарурлигини таъкидладилар.

Шавкат Мирзиёев бунинг учун Қирғизистонга Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган замонавий кишлоқ хўжалиги техникалари, энгил ва юк автомобиллари, автобусларни тизимли асосда етказиб бериш ва уларга техник хизмат

кўрсатишни йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлади.

Бундан ташқари, қирғизистонлик шерикларга азот, фосфор, калий ва мураккаб комплекс ўғитлар, электротехника маҳсулотлари — трансформаторлар, барча турдаги кабель-ўтказгич маҳсулотлар, маиший техника, шунингдек, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари, препаратлар, мебель, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа саноат маҳсулотлари етказиб бериш таклиф этилди.

Қирғизистон томони, ўз навбатида, Ўзбекистонга етказиб берилаётган товарлар турини қайта қўриб чиқиши таъкидланди.

Шу мақсадда икки мамлакатнинг тегишли тузилмалари ўртасида тўғридан-тўғри узоқ мuddатли ҳамкорлик ўрнатиш зарурлиги қайд этилди.

Минтақавий самарали транспорт йўллари ривожлантириш иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик йўналиши ҳисобланади. Масалан, Марказий Осиёни Қирғизистон ҳудуди орқали Хитой билан боғлайдиган қисқа темир йўл нафақат мамлакатларимиз, балки бутун минтақанинг транзит салоҳиятини сезиларли равишда ошириш имконини беради.

Ўзбекистон мутахассислари Қирғизистон ҳудудида бундай йўналишни лойиҳалаштириш ва қуришда иштирок этишга тайёр. Давлат чегараларини делимитация қилиш бўйича музокаралар жараёнини тезлаштириш ва яқин вақтда бу борадаги давлатлараро шартномани имзолаш тўғрисида келишувга эришилди.

Маданый-гуманитар ҳамкорлик ўзаро муносабатларнинг муҳим соҳаларидан биридир.

Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев музокаралар давомида эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, ўзаро «манфаатли» ҳамкорлигининг янги саҳифаларини очишига ишонч билдирдилар.

А.САМАДОВ,
А.ЎРОЗОВ,
ЎЗА махсус мухбири.

Ўзбекистон Қаҳрамони Таваккал Топволдиев



Мамлакатимиз жамоатчилиги оғир жудаликка учради. Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Андижон вилояти бўлими раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Таваккал Топволдиев 82 ёшида вафот этди.

Т.Топволдиев 1934 йил 10 сентябрда Андижон вилоятининг Шаҳристон туманида ишчи оиласида туғилди. 1957 йили Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини муҳандис-гидротехник мутахассислиги бўйича тамомлади. Кўп йиллар давомида Андижон вилояти сугорит тармоқлари тизимида самарали меҳнат қилди. 1965-1985 йиллар мобайнида Бўз, Улутнор, Жалақудуқ туманларида биринчи раҳбар лавозимида фаолият кўрсатди. 1985-1996 йилларда Андижон вилоятида турли масъул вазифаларда ишлади. 1996 йилдан умрининг охиригача қалар «Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний»

жамғармаси Андижон вилояти бўлими раиси бўлиб хизмат қилди.

Т.Топволдиев қарийб олти йиллик меҳнат фаолияти даврида вилоят ҳудудлари, тармоқ ва соҳаларини ривожлантириш ҳамда кенг қўламли ободонлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшди. Ватанимиз мустақиллигининг дас-тлабки йилларида бошлаб вилоятда мамлакат аҳамиятига эга бўлган йирик иштирокини таъминлашда қўллаб-қувватлаш, ёшларимизни она Ватанга, халқимизга салоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, бу борада кекса авлод вакилларининг фаол иштирокини таъминлашда ўзининг ташаббускорлик ва ташкилотчилик фазилатларини намоян этди.

У жонқуяр ва талабчан, меҳрибон устоз сифатида эл-юртимиз ўртасида юксак ҳурмат ва эътибор қозонди. Т.Топволдиевнинг кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Дўстлик» ва «Эл-юрт ҳурмати» орденлари ҳамда Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан мукофотланган эди.

Фидойи раҳбар, самимий ва камтарин инсон Таваккал Топволдиевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш.Мирзиёев, Н.Йўлдошев, Н.Исмоилов,
А.Арипов, Ш.Усмонов, Ш.Абдурахмонов

■ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ ФАОЛЛИГИ, ЖОНҚУЯРЛИГИ

одамларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, инсон манфаатларини ҳимоя этишда муҳим ўрин тутати

Бугун сиёсий партия халқнинг ичига чуқурроқ кириб бориши, электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларни изчил ўрганиши, ижро ҳокимияти масъулиятини ошириш бўйича ташаббуслар билан чиқиши талаб этилмоқда. Айниқса, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда депутатлик бирлашмаларининг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг ҳудудлар равақини оширишдаги ролини кучайтириш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституция қунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ҳамда Олий Мажлис палаталарининг қўша мажлисидаги нутқида маҳаллий Кенгашлар фаолиятини кучайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг ҳисобдорлигини ошириш, бу борада Олий Мажлис ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг ҳамкорлигини янада кучайтириш бўйича долзарб таклифлар ўртага ташланди. Аниқ вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан танқидий-тахлилий фикрлар билдирилди. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир партия гуруҳи депутатлик фаолиятига муносабатини тубдан ўзгартириши талаб этилган.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан 2015-2019 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Ҳаракат дастури ҳудудлардаги муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этди. Хўш, ўтган давр мобайнида дастурда белгиланган вазифалар қай даражада амалга ошди? Аҳолини ўйлантираётган масалалар сессияларда муҳокама этилиб, ўз ечимини топаётими? Дастурнинг жорий йил 10 ойи давомидаги ижроси таҳлилий нима-ларни кўрсатмоқда?

— Ўтказилган таҳлиллардан шундай хулосага келиш мумкин, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги

дастури ижроси билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳаракат дастурида соғлиқни сақлаш, ҳудудий поликлиникаларни замонавий тиббиёт ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, тумна ва ирсий касалликларни профилактика қилиш, кишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техника базасини яхшилаш, дори воситалари ва фармацевтик фаолият билан боғлиқ долзарб масалаларни ўрганиш кўзда тутилган. Эътибор берсак, буларнинг ҳаммаси инсон манфаатлари билан боғлиқ ҳаётий вазифалардир. Хўш, бу борада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари қандай ишларни амалга оширди?

— Мазкур йўналишда 39 масала партия гуруҳларида, 26 таси доимий комиссияларда ҳамда 16 таси сессияларда муҳокама қилинган, — дейди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сектор мудир Дурбек Худойкулов. — Жумладан, Тўртқўл, Қорақўл, Бахмал, Нурота, Томди, Пайкорик, Олтинсой, Кумқўрган, Оҳангарон, Хонқа, Янгибозор, Бувайда, Қосон туманлари, Бухоро, Бекобод, Фарғона шаҳар Кенгашларида масалалар сессияларда муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

Бу масалалар Амурдаёв, Қораўзақ, Андижон, Чуст, Богот, Касби, Нишон туманлари ҳамда Жиззах, Наманган, Ўрганчи шаҳарларида доимий комиссияларда қўрилган бўлса, айрим туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларида расмийлик юзасидан, яъни номига қўриб чиқилган, ҳоло.

Агар қайси туманда муаммо сессия муҳокамасига олиб чиқилмасдан қолиб кетадиган бўлса, бу ўша ҳудудда партиянинг таъсир кучи камлиги, электорат манфаатлари эътиборсиз қолдирилганидан далолат беради.

Шунингдек, партия гуруҳларимиз сессия қарори ижросига ҳам жиддий

эътибор қаратиши лозим. Чунки сессияда муҳокама этилди дегани эмас. Сессия қарори ижросини тизимли равишда мониторинг қилиб бориш ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, энг муҳими, сайловчилар ишончини қозонишда муҳим аҳамият касб этди.

Ҳаракат дастурида пенсия ва нафақа пулларининг тайинлини, ёш оилаларнинг имтиёзли ипотека кредитлари асосида уй-жойлар билан таъминлини, давлат томонидан кўрсатилаётган моддий ёрдамларнинг манзиллигини ўрганиш ва аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида ҳам долзарб масалалар белгиланган. Мазкур йўналишда 27 масала партия гуруҳларида, 20 таси доимий комиссияларда ҳамда 13 таси сессияда қўриб чиқилган.

— Йил бошида Ҳаракат дастурида кўзда тутилган масалаларга алоҳида эътибор қаратдик, — дейди Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Чори Жумакулов. — Шу боис Жарқўрган, Музабрат, Қизирқ туманлари ҳамда Термиз шаҳар Кенгашлари сессияларида партия гуруҳларимиз ташаббуси билан бир қатор йўналишлар қўриб чиқилди. Сессия муҳокамасига киритишдан олдин пенсия ва нафақа пулларининг тайинлини, шунингдек, давлат томонидан кўрсатилаётган моддий ёрдамларнинг қай даражада манзиллиги ўрганиб чиқилди. Қўллаб таъминлаш ўтказдик. Бунинг натижасида жойларда камчилик ва нуқсонлар яққол кўзга ташланди.

Хозирда сессия қарорлари ижросини таъминлаш бўйича иш олиб бораёпмиз. Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз масалани изчил ўрганиб, керак бўлса, сессияга такоран киритиш устида ишляпти.

Бундан ташқари, туманлардаги Бандликка кўмаклашиш марказлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди

бўлимлари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз.

Ҳаракат дастурида кўзда тутилган муҳим масалалар — таълим тизимини янада ривожлантириш, мактабга таълим муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, ушбу тизимдаги ходимлар меҳнати-га ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, айниқса, қиз болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун шароитлар яратиш, чекка ҳудудларда янги спорт объектларининг қурилиши, уларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш йўналишларида 25 масала депутатлик гуруҳлари, шундан 16 таси доимий комиссиялар ва 6 таси эса сессиялар йиғилишларида қўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

Бирок Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш борасида айрим минтақавий, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда партия гуруҳлари томонидан суст-қашиш ва камчиликларга йўл қўйилди. Бундан кўз омиб бўлмайди. Ҳаракат дастурида 10 ой давомида ўрганилиши белгиланган 159 масаладан 22 таси фақатгина депутатлик гуруҳларида муҳокама қилиниб, доимий комиссия ва сессия муҳокамасига олиб чиқилмаган.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, қайси ҳудудда партия гуруҳлари самарали фаолият юритса, одамларни ўйлантираётган масалаларни ўрганса, уларни ҳал этиш бўйича ташаббус кўрсатса, ўша ерда аҳолининг эртанги кунга бўлган ишончи ортади, муаммоларга ижобий ечим топилади. Демак, маҳаллий Кенгашлардаги партияимиз гуруҳлари ишини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда ташаббускорлигини ошириш долзарб аҳамият касб этди.

Нурали ОРПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги қонунга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжат лойиҳасининг мазмун-моҳиятини тушунириш, талаб ва тақлифларни ўрганиш мақсадида бир қатор вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида «Ўздавтемир йўлназорат» инспекциясида йиғилиш бўлиб ўтди.

Янги қонун лойиҳаси

Мажлисида мутахассислар қонун лойиҳасининг афзалликлари, тизимда қўйилаётган янгиликлар ҳусусида атрафлича маълумот беришди. Шу билан бирга, мутасадди ташкилот вакилларининг ахборотлари ҳам тингланди. Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси темир йўл транспорти соҳасини янада ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида тайёрланмоқда.

— Қонунга киритилаётган ўзгаришларга кўра, темир йўл транспорти объекти, инфраструктура, тизимдаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мулк тўғрисидаги тушунчаларга аниқлик киритилмоқда, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ юридик божқармаси мутахассиси Алишер Олламов. — Шу билан бирга, темир йўл транспорти соҳасида давлат бошқаруви ва назорат органларининг ваколатлари аниқ белгиланган бўлиб қўйилмоқда. Шунингдек, қонун лойиҳаси ҳар томонлама муҳокама этилиб, уни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбир иштирокчилари мавзу доирасида ўзаро фикр алмашишда ва галдаги ишлар белгилаб олинди. Шунингдек, қонун лойиҳаси ҳар томонлама муҳокама этилиб, уни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Жамшид ШЕРМЕТОВ

МАЪНАВИЙ
ЖАСОРАТЭРКИН ВОҲИДОВ
ПУБЛИЦИСТИКАСИГА ЧИЗГИЛАР


Таниқли шоир, адиб, драматург, мунаққидлар айни чоғда моҳир публицистлар ҳам бўлишади. Эркин Воҳидов машҳур шоир, ёзувчи, таржумон бўлиш баробарида ўткир, сермахсул публицист ҳам эди. Сакам олтиш йил давомида матбуот саҳифаларида унинг мақола ва интервьюлари, очерк ва эсселари, хат ва сафарномалари босилиб, эфир, экран тўқинларида янграб турди, аксарияти кейинчалик «Шоир шеъри шуур», «Иштироб», «Дил тубига чўккан лаҳзалар», «Сўз латофати» каби китоблари, кўп жилдликларидан, турли тўпламлардан жой олди.

Қаҳрамон шоирнинг бадиияти ва публицистикаси ажиб тарзда бир-бирини тўлдириб, бийитиб туради. Зеро, Эркин Воҳидов «Ёшлик» журналини бошқарган, радиода тез-тез чиқиб турган, ойнаи жаҳонда «Ҳазал оқшоми» кўрсатувини олиб борган, Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат наشريёти раҳбари сифатида кўплаб публицистик асарларнинг чоп қилинишида иштирок этган. Бир қатор таҳририятлар аъзоси бўлган. Бир сўз билан айтганда, бир умр мазкур соҳанинг бевосита ичиди бўлган эди.

Эркин Воҳидовнинг публицистикаси мустабид замонга хос бўлган ҳайбаратли, оғриқли мавзу, муаммоларини дадил кўтариб чиқувчи, халқнинг ичга, юрак тубига ҳайдалган дард-изтиробрлари, орзу-армонларини ошқорча юзга чиқариб, ўзар далиллар, қутилмаган қиёслар, ўткир мантикий муҳокама-лар, жасоратли фикрлар билан очиб берувчи теран, мардона, мароқли публицистика — мақола ва тақризлар, интервью-суҳбатлар, очерк ва эсселар, хат ва сафарномалар эди.

Бу жиҳатдан шоирнинг 1986-1991 йилларида — юртимиз тарихи, халқимиз тақдири учун энг синови-ли, масъулиятли бошида азобли, таҳликали, охирида умидбахш, фараҳли даврларда ёзилган, тўғрироғи, юрак қони билан битилган публицистикадан таркиб топган «Иштироб» китоби алоҳида эътирофга лойиқдир. Ушбу китоб нафақат шоир ижодида, айни чоғда ўзбек бадиий публицистикасида муҳим воқеа бўлган эди.

■Президентимизнинг буюк шоиримиз Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида чиқарган қарори нафақат Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоирига улкан ҳурматнинг, айни чоғда адабиётимизга кўрсатилаётган катта эътиборнинг ёрқин ифодаси бўлди.



Эркин ВОҲИДОВ


Бугун соғинчларим тоғу сойдадир, Энг яқин, қўл етмас олис жойдадир, Демангиз ё Хирот, ё Хитойдадир, Ўртамазда энди икки дунё бор — Икки устозим ҳам Чигатойдадир.

Тириклик чоғлари жавраб ўртадик, Гоҳ алдаб, гоҳида авраб ўртадик. Бир-бировга чоғлар қовлаб ўртадик, Зўр қарвон йўлида етим бўтадек — Энди дилларимиз оху войдадир.

Энди асқотмағай бизнинг саломлар, Ширин каломлару таскин каломлар. Ойбек ётар бунда, Фафур Фуломлар — Соҳибқаламлару соҳибқаломлар, Барча буюқларим бир саройдадир.

Улуғлар миллатга ифтихор доим, Қалби улуғларга дунё тор доим. Бундайин қалбаларга миллат зор доим, Кечир, барчамизни кечир, Худойим, Бир қисмат гар шоҳу гар гадойдадир.

Ёшлик замонимда ҳолим танг эди, Бири дostonимни чиқарган эди, Бири маломатдан қутқарган эди, На ердан, на кўкдан тоғайман энди, Бирин бор ҳаётим не авзойдадир.

ИККИ УСТОЗ
ХОТИРАСИ

Абдулла ОРИПОВ

Бизнинг вужудимиз, умримиз нима — Бир қалқиб, чайқалиб кетувчи кема. Хоҳла ғамларин е, хоҳласанг ема, Дўстим, зўрлар кетиб мен зўрман дема — Бор-йўғинг бир камон ё бир ёйдадир.

Кечикдим йўқлову шитобларимда, Дастхатлари қолмиш китобларимда. Ором йўқ на ҳушим, на хобларимда, Бўзлаб чорласам-да хитобларимда, Келмаслар на йилу ва на ойдадир.

Қани дейман, қани икки янғроқ соз, Икки хайрихоҳ зот, бағрикенг устоз? Овозлари келмас, етмағай овоз, Борсам икки дўнглик олғайдир пешвоз — Хоклари кўзёшдан сомон-лойдадир.

Устоз Эркин Воҳид, Абдулла Ориф, Энг олий даргоҳда турибсиз бориб — Ўзинмас, унда ҳам бизни қутқориб, Айбу гуноҳимиз Ҳақдан ёлбориб, Энди бори ҳукм бир Худойдадир...

25.12.2016 й.

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

ТАДБИР

ШОИР ВА ЗАМОН

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан адабий-бадиий кеча ўтказилди.

Унда сўзга чиққан университет проректори Акбар Нурматов, профессор Баҳодир Каримов, Хушид Дўстмуҳаммад, доцент Сайди Умиров ва бошқалар шоирнинг адабий-эстетик қарашлари, маърифати ва фазилатлари, адабий меросининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти ҳақида самимий фикрлар билдирди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ва бошқа талабалар шоир шеърларидан намуналар ўқишди, халқаро журналистика факультети талабалари эса ўзлари тайёрлаган саҳна асарларини намойиш этишди.

Учрашувда таъкидланганидек, Эркин Воҳидов шеърияти халқимиз

қалбига сингиб кетган. Айниқса, ёшларимиз унинг кўплаб асарларини ёд билишади.

Мисол учун, исталган мактаб ўқувчиси олдида «Тарихингдир минг асрлар...» деб шеър ўқишни бошласангиз, у завок билан, ғурур билан давом эттиради.

Қаҳрамон шоиримиз ўзидан жуда бой маънавий мерос қолдириб кетди. Биз, ёшлар бу меросни чуқур ўрганишимиз, ундан сабоқ олмоғимиз зарур, деб ўйлайман.

Манзура ПАРВОЗ,
ЎЗДЖТУ халқаро журналистика
факультети талабаси.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

АРХИВ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ —
МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори архивлар фаолиятини ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратилди. 2010 йилда қабул қилинган «Архивлар иши тўғрисида»ги янги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид қарорлари натижасида кейинги йилларда архив муассасаларининг моддий имкониятлари ошди, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланди. Худудий архивлар янги, замонавий биноларга кўчиб ўтди.

Архив муассасаларида ҳодимлар учун етарли қўлайликлар яратилган. Компьютер жамланмалари, нуска кўчириш аппаратлари, рақамли фотоаппаратлар, видеокамералар каби энг замонавий ускуналардан самарали фойдаланиш нафақат архив ходимлари, балки миқозларнинг ҳам қимматли вақтларини тежашга, мушкулларини енгилаштиришга хизмат қилапти.

Жорий йилда вилоятимиз архив муассасаларида бир қатор эътиборли ишлар амалга оширилди, янгиликлар ва ўзгаришлар кўзга ташланди. Масалан, Нарпай туман ҳокими қарори асосида туман давлат архивига қўшимча бино ажратилиб, унинг қадастр ҳужжатлари тайёрланди. Бугунги кунда мазкур бинода таъмирлаш ишлари олиб борилапти.

Пахтачи туман идоралараро хўжалик хисобидидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архивига

асосида бўш турган бинолардан бири олиб берилди. Иштихон туман идоралараро хўжалик хисобидидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архиви ҳам шундай имкониятга эга бўлди. Каттақўрғон туман ҳокимлиги Қорадарё ММТПга қарашли идора биносини туман идоралараро хўжалик хисобидидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архиви балансига ўтказиб берди ва ушбу муассаса бугунги кунда янги замонавий бинода фаолият юритмоқда.

Булунғур туман ҳокимлигининг 2016 йил 26 сентябрдаги қарори билан тумандаги «Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган оқик акциядорлик жамияти шаклидаги «Булунғур агроме-васабзадовт ипак йўли» агро-фирмаси фойдаланаётган икки қаватли маъмурий бино Булунғур туман давлат архив ва Булунғур туман идоралараро хўжалик хисобидидаги шахсий таркиб ҳужжатлари



архиви балансига ўтказиб берилди. Мазкур давлат архив-идаги архив муассасаларида улкан қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жойларда бир неча янги архивлар очилди. Масалан, Пастдарғом ва Қўшра-бот туманларида давлат архивлари, Иштихон, Оқдарё, Самарқанд шаҳар Х.Вали кўчаси, 23-уйда жойлашган тўрт қаватли бионинг биринчи қаватидан фойдаланиш майдони 407,8 квадрат метр бўлган 20 хона, 119,3 квадрат метрдан иборат йўлак Самарқанд шаҳар идоралараро хўжалик хисобидидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архивига тасарруф этиш ҳуқуқисиз доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан берилди.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, мустақиллик даврида Самарқанддаги архив муассасаларида улкан қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жойларда бир неча янги архивлар очилди. Масалан, Пастдарғом ва Қўшра-бот туманларида давлат архивлари, Иштихон, Оқдарё, Самарқанд шаҳар Х.Вали кўчаси, 23-уйда жойлашган тўрт қаватли бионинг биринчи қаватидан фойдаланиш майдони 407,8 квадрат метр бўлган 20 хона, 119,3 квадрат метрдан иборат йўлак Самарқанд шаҳар идоралараро хўжалик хисобидидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архивига тасарруф этиш ҳуқуқисиз доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан берилди.

неча шундай муассасаларда қўшимча сақловхона бинолари бунёд этилгани, барча архивларнинг зарур замонавий ускуналар билан жиҳозлангани аҳолига хизмат кўрсатишнинг янада яхшиланишига кенг имкон яратди.

Нуробод ҳудуди жиҳатидан вилоятдаги энг катта туман жиҳозланади. Унинг айрим қишлоқлари анча олисда жойлашган. Лекин шу пайтгача бу туманда архив муассасаси йўқ эди. 2016 йилнинг 2 апрелида Нурободда Пастдарғом тумани давлат архивининг филиали очилди.

туман идоралараро хўжалик хисобидидаги шахсий таркиб ҳужжатлари архивидан 18 мингга яқин ҳужжат олиб берилди. Шу тариқа Нурободда жорий йилнинг май ойидан архив муассасаси филиали фаолият бошлади.

Вазирлар Маҳкамасининг давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорликни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан «Ўзархив» агентлигининг портали орқали Самарқанд вилоят архив иши худудий бошқармасига келиб тушаётган интерактив сўровлар кўриб чиқилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 150 га яқин сўровнинг ижроси таъминланди.

Шунингдек, вилоят давлат архивига жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш учун алоҳида хона ажратилиб, жорий таъмирланди ҳамда меъёрий ҳужжатлар, замонавий техник воситалар билан жиҳозланди. 2016 йилнинг тўққиз ойи мобайнида вилоят давлат архив муассасаларига 15957 та ижтимоий ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган сўровлар тушди. Сўровлар белгиланган муддатларда кўриб чиқилиб, уларнинг 12213 таси ижобий ҳал этилди.

Абдували МАМАНАЗАРОВ,
Самарқанд вилоят архив иши бошқармаси бошлиғи.

РЕКЛАМА

Корхона, ташкилот
ва муассасалар
раҳбарлари диққатига!

«Uzytormet»
МЧЖ

2013-2016 йиллар
мобайнида топширилган
қора металл парчалари
ҳисобига ҳосил бўлган
қарздорликни бартараф
этиш мақсадида 1 ой
ичида мурожаат
қилишингизни сўрайди.

Манзил: 100154,
Тошкент шаҳри, Жанубий
саноат даҳаси.
Тел: (0371) 150-15-72.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгаши Ўзбекистон Қаҳрамони, «Нуроний» жамғармаси Андижон вилоят бўлими раиси

Таваккал ТОПВОЛДИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси Марказий Кенгаш масъул ходими Назира Матякуббага онаси

Ойсара ҚИЛИЧЕВАНING вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Хуқуқ ва бурч» журнали таҳририяти жамоаси Бош муҳаррир Жаҳонгир Наҳоновга укаси
Отабек ОТАЁРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

РЕКЛАМА ВА
ТАБРИКЛАР

■ Байрамингиз муборак бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси
халқ артисти
Насиба Абдуллаева

Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган артист
Женисбек Тўлқод

ASIA ALLIANCE
BANK

“ASIA ALLIANCE BANK” ATB Sizni кириб келаётган
Янги — 2017 йил билан
табриклайди ва Sizга муштажам соғлиқ, бахт ва касбий
фаолиятингизга зафарлар тилаб қолади.
Байрам муносабати билан банкимизнинг хорижий
валютадаги янги омонатларини таклиф қиламиз.
Батафсил маълумотни www.aib.uz веб-сайтидан ёки
(+99877) 237-60-00 телефон рақами орқали
олишингиз мумкин.

UZMAL OIL «ЎзМалОил»

Ўзбекистон — Малайзия қўшма корхонаси жамоаси

юртдошларимиз ва ҳамкорларни
Янги йил айёми
билан табриклайди.
Барчага соҳат-саломатлик,
омад ёр бўлишини тилайди!

«Ўзбекэнерго» АЖ тизимидаги
«XORAZM HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI»
акциядорлик жамияти жамоаси

халқимизни Янги — 2017 йил
билан муборакбод этади.
Она Ватанамиз равнақи,
халқимиз фаровонлиги
йўлида амалга ошираётган
ишларингиз доим
бароридан келсин!

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir, birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1259
8765
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20:50
Topshirilgan vaqti — 22:30

Navbatchi:

Temur XUDOYBERDIEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI